БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН КОРРУПЦИЯ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

[1]Юлдашев Мақсудбек Мамасолиевич, [2]Раҳимов Сарварбек Абдумуталлибжонович
[1]Божхона қўмитаси Шахсий хавфсизлик бошқармаси ходими, мустақил тадқиқотчи,
[2]Божхона институти Махсус-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
https://doi.org/10.5281/zenodo.14736095

Аннотация. *ушбу мақолада жамиятда кенг тарқалган коррупциянинг турлари ва уларнинг салбий оқибатлари, содир этилиш усуллари изоҳланган бўлиб, сўнгги йилларда аниқланган коррупциявий жиноятларнинг тавсифи асосида божхона органларида коррупцияга қарши курашишнинг долзарблиги, ушбу тизимда кенг тарқалган коррупция турлари ва қарши курашишни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган. Мақола аниқ статистик маълумотлар ва тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан асослантирилган.*

Калит сўзлар: *коррупция, кронизм, непотизм, фаворитизм, порахўрлик, лоббизм, протекционизм, патронаж, клиентилизм, Transparency International, Trace Matrix, Open data inventory*

Аннотация. *В данной статье описываются виды коррупции, распространенные в обществе, их негативные последствия, способы совершения. На основе описания коррупционных преступлений, выявленных в последние годы, обоснована актуальность борьбы с коррупцией в таможенных органах, рассмотрены виды коррупции, распространенные в данной сфере. системы, а также выдвигаются предложения, направленные на совершенствование борьбы с ней. Статья основана на точных статистических данных и мнениях исследователей.*

Ключевые слова: *коррупция, кумовство, непотизм, фаворитизм, взяточничество, лоббирование, протекционизм, покровительство, клиентелизм, Transparency International, Trace Matrix, Open data inventory*

Abstract. *This article describes the types of corruption, common in society, their negative consequences, and ways of committing them. On Based on the description of corruption offences revealed in recent years, The article substantiates the urgency of the fight against corruption in customs authorities and considers the types of corruption common in this area. types of corruption prevalent in this sphere. of the system, as well as the proposals aimed at improving the fight against corruption in customs authorities are put forward. proposals aimed at improving the fight against it. The article is based on accurate statistical data and opinions of researchers.*

Key words: *corruption, nepotism, nepotism, favouritism, bribery, lobbying, protectionism, patronage, clientelism, Transparency International, Trace Matrix, Open data inventory*

КИРИШ

Коррупцияга қарши курашиш масаласи Янги Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсадларга эришишдаги танлаган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан мамлакатда барча соҳалардаги

коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва тизимли ислоҳотлар дунё ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Хусусан, 2023 йил 19 декабрь куни Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро мукофотни топшириш маросими ўтказилганлиги юқоридаги фикр исботи ҳисобланади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида қўл кўринишида коррупцияга қарши курашишни англатувчи монумент ўрнатилди[1].

Эътиборлиси шундаки, давлат раҳбари ушбу иллатга қарши курашиш қанчалик долзарб эканлигини жахон ҳамжамиятига қуйидагича изоҳлаб берди: “коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион долларга яқин миқдорни ташкил қилиши, аммо бу рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди”[2].

Мамлакатда коррупцияга қарши курашишда амалга оширилаётган ислоҳотлар шу жумладан божхона органларида ҳам кескин тус олмоқда. Ўз ўрнида, Янги Ўзбекистоннинг рақамли божхона хизматини коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш ғояси асосида соҳада тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Ушбу мақолада, коррупциянинг кенг тарқалган турлари ва сўнгги йилларда божхона органларида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аниқланган коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарган сабаб ва омиллар таҳлили бўйича илмий асослантирилган мулоҳазалар келтирилган.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Коррупцияга қарши курашиш масалалари барча илмий мактабларнинг кўплаб мунозараларига сабабчи бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар сиёсий-ижтимоий жиҳатдан коррупциянинг фақат зиён келтирувчи жиҳатларини ўрганган бўлса, иқтисодчилар, шунингдек, жамиятшунослар томонидан коррупция натижасида “ривожланиши” мумкин бўлган соҳалар ҳам тадқиқ қилинган. Шунингдек, коррупцияни турларга бўлиш бўйича ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Жумладан, украиналик олим ва профессор В.Погрибна порани коррупциянинг “чақирув қоғози” деб таъриф берган [1]. Ушбу фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда, коррупцияни ижобий ва салбий томонларини ўзаро солиштирган америкалик тадқиқотчи Р.Теобалднинг фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз. Унинг фикрига кўра, коррупцияни иқтисодий ўсиш ва сиёсий ривожланишга ижобий таъсири мавжуд [2].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шифокорга кўрсатилган тиббий ёрдам учун, шунингдек, ўқитувчига берилган билим учун одат тусига кирган “раҳмат” белгиси сифатида пул тақдим этилишини маиший коррупция деб қаралиши ёки қаралмаслиги бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Е.Епифанова томонидан ушбу холатлар мансабга доир жиноят сифатида баҳоланади, касбга оид эмас ва инсонларда “чой пули” билан тиббиёт ходимларининг хизматларига миннатдорчилик билдириш мумкин деган тушунчани шаклланишига олиб келган [3]. Лекин, америкалик олим Г.Джеймснинг таъкидлашича, ўқитувчи ва шифокор томонидан кўрсатилган хизматлар учун миннатдорчилик билдирилиши лозим бўлмагани ҳолида

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2023/12/19/monument/
[2] https://www.gazeta.uz/uz/2023/12/19/halollik-vaksinasi/

“раҳмат” пулини тақдим этилиши ижтимоий хавфни келтириб чиқармаганлиги учун ушбу ҳолатга коррупция призмаси остида баҳо бериш ноўрин деб ҳисобланади [4].

Ушбу ўринда Г.Джеймснинг фикрлари асосли деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, коррупцияга қарши курашишда майда коррупциядан йирик коррупцияга қараб юрилиши оддий аҳолининг норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, фуқароларда коррупцияга қарши муросасиз ҳуқуқий онг шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатиши билан “раҳмат” пули тушунчаси ўз-ўзидан жамиятда йўқолиб кетади деб ҳисоблаймиз.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада мавзуга доир маҳаллий ва хорижий олимларнинг номзодлик диссертациялари, мақолаларини таҳлил қилиш ҳамда ёндашув ва қарашларини тадқиқ этиш, уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш, шунингдек омилли, қиёсий ва статистик таҳлилдан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

а) Коррупциянинг турлари ва уларнинг ўзига ҳослиги

Янги Ўзбекистон учун коррупция асосий таҳдидлардан бири эканлигини яна бир изоҳи унга қарши курашиш масалалари референдум йўли билан 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган Янги конституцияда 4 ўринда “коррупция”га оид бандлар киритилганлиги билан исботланади. Хусусан, Янги конституциянинг 93-моддасида ҳар йили президент томонидан коррупцияга қарши курашиш йўналишида миллий маърузани эшитиш белгилаб қўйилган[3].

Шунингдек, коррупцияни олдини олишнинг институционал асосларини яратиш мақсадида ҳозирда 114 та давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек банкларда 1477 нафар штат бирлигидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу тузилмалар томонидан ўтказилган 4349 та назорат тадбирларида 342,6 млрд сўмлик маблағларнинг талон-торож қилиниши ва 928,9 млрд сўмлик молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган[4].

Кўрилаётган чоралар натижасида Ўзбекистоннинг “Transparency International” коррупцияни қабул қилиш индексидаги ўрни 14 поғона, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг “коррупциянинг мавжуд эмаслиги” индикаторидаги ўрни 4 поғона, Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари (WGI)нинг “коррупцияни тийиб туриш” индикаторидаги ўрни 15 поғона, “Trace Matrix” порахўрлик матрицасидаги ўрни 16 поғона, Ҳукумат очиқлиги бўйича “Open data inventory” рейтингидаги ўрни 5 поғона кўтарилишига эришилди[5].

Лекин, жамиятда коррупция деганда унинг фақатгина порахўрлик кўринишидаги шаклинини жавобгарликка тортиш учун асос бўлади деган нотўғри тушунчалар ҳалигача сақланиб қолмоқда. Бунга сабаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210, 211 ва 212 моддаларида порахўрликнинг 3 шакли пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун белгиланган жавобгарликнинг мавжудлиги ҳисобланади.

[3] https://lex.uz/docs/6445145
[4] Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза | Anticorruption.uz
[5] Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги иккинчи миллий маъруза Сенатга тақдим қилинди | Anticorruption.uz

Ваҳоланки, коррупциянинг бошқа турлари ҳам ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жамиятга порахўрликдан кам зиён етказмаслиги асосланган ҳолда, сўнгги қабул қилинаётган норматив ҳужжатларда раҳбарларнинг жавобгарлик масалаларига алоҳида тўхтанилган ҳолда, улар томонидан содир этилган қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик каби хатти-ҳаракатлар учун ҳам жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари”нинг 10-бандида раҳбарларга кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик мажбурияти юклатилган.

Таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда юқори даражадаги мансабдор шахслар томонидан маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари билан кадрларга муносабатда бўлиш коррупциянинг турлари эканлигидан бехабар ҳаракат қилишлари уларнинг ўзлари бошқарувидаги тизимни самарадорлигини пасайиб кетишига олиб келади.

Шунга кўра, барча даражадаги давлат хизматчилари томонидан коррупциянинг турлари ва уларнинг тавсифини билган ҳолда хизмат олиб боришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижасига кўра, номланиш шаклларига кўра коррупциянинг турлари қуйидагиларни ташкил этади:

1. **Порахўрлик** – коррупциянинг энг кўп тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Яъни, жамиятдаги бюрократик тўсиқларни пора орқали тезлик билан четлаб ўтилиши, кўзда тутилган мақсадга тезроқ эришишга имконият яратади.

Порахўрлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра жиноий қилмиш сифатида баҳоланади ва турдош жиноятлар яъни пора олиш (210-модда), пора бериш (211-модда), пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда), давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (213-модда) билан бирган қатъий тақиб қилинади.

Пора билан боғлиқ жиноятларнинг субъекти хар қандай даражадаги давлат бошқаруви ва органлари ходимлари ҳисобланади. Предмети эса моддий (пул ва қимматликлар), моддий қийматга эга хизмат кўрсатиш (жумладан, паст фоизли кредитлар бериш, текин туристик йўлланмалар бериш, уйни таъмирлаб бериш, қарздан воз кечиш, автотранспорт воситасини вақтинча бошқарувга бериш) ёки мулк ҳуқуқини бериш (уй, автотранспорт воситаси, интелектуал мулк) ҳисобланади.

2. **Таъмагирлик** – кўрсатилган хизмат учун моддий ёки номоддий қимматликларни талаб қилиб олиниши. Ушбу турдаги хатти-ҳаракатлар хизмат кўрсатилишидан олдин ва кейин амалга оширилиши мумкин.

3. **Совға бериш** – мансабдор шахсга у томонидан кўрсатиладиган хизматлар жараёнини тезлаштирилиши ёки доимий “ҳамкорлик”ни ушлаб турилиши учун амалга оширилади.

4. **Непотизм** - қариндош-уруғ ва ошна-оғайничилик алоқаларини ҳисобга олиб, биринчи ўринга қўйиб, камчиликлари ва бошқа хислатларига эътибор бермай сиёсатда ёки тадбиркорликда уларга махсус шароит яратиб бериш, қўллаб-қувватлаш, касбида ва ишида кўтарилиб бойлик орттиришда ёрдам бериш. Ушбу сўз лотинча nepos - уруғ, зот, насл, сулола ва иккинчи nepotis - набира, жиян сўзларидан келиб чиққан.

5. **Фаворитизм** – "юмшоқ" коррупциянинг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, мансабдор шахс томонидан ўзининг яқин алоқасидаги шахсларга ресурслар устидан назоратнинг бериб қўйилиши ёки хизмат кўрсатилиши тушунилади.

6. **Қариндош-уруғчилик** (кумовство) – бошқарув тизимини қариндош-уруғчилик алоқалари асосида қурилиши. Бунда, мансабдор шахс лавозимга келганидан сўнг ўзига қариндошлик тармоғига эга шахсларни ўзи раҳбарлик қилаётган тизим ёки тузилмада мавжуд бўш ўринларга ёки ўринларни бўшатиш орқали, кадрларни қабул қилишни шаффофлигини таъминламаган ҳолда ишга олади.

7. **Кронизм** – бошқарув тизимини таниш-билишлик ёки ошна-оғайничилик алоқалари асосида қурилиши. Мансабдор шахснинг ўзи раҳбарлик қилаётган тузилма ва тизим фаолиятига доир раҳбарий ва бошқа турдаги қарорларни қабул қилинишида ўзига алоқадор шахсларга имкониятлар яратиб бериши тушунилади.

8. **Лоббизм** – норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар қабул қилишдаги сиёсий таъсир ўтказилишидаги устунлик. Коррупциянинг ушбу тури ўзининг салбий таъсирини нафақат бир тизим доирасида, балки сиёсий-иқтисодий кенг миқёсда кўрсатганлиги сабабли ижтимоий хавфлилиги юқори ҳисобланади.

9. **Протекционизм** – (французча "protectionnisme" ёки лотинча "protectio" – ҳимоя, раҳнамолик қилиш) – мансабдор шахсларни хизмат лаёқати билан эмас, таниш-билишчилик, раҳнамолик асосида хизматга қабул қилиниши ёки мансабдор шахснинг ўзига алоқадор шахсларни лавозимга тайинланишига кўмаклашиши ҳисобланади.

Протекционизм ва унинг кўринишларининг (қариндош-уруғчилик, тарафкашлик, патронаж) энг катта хавфи шундаки, у нафақат хўжалик соҳасига, балки қонунчилик қабул қилинишидан тортиб, кадрлар сиёсатига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

10. **Клиентилизм** – лавозимдаги мансабдор шахс ва унга ҳайриҳоҳ бўлган шахсларга раҳнамолик қилиши, у ёки бу соҳада уларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият юритиш тушунилади.

11. **Манфаатлар тўқнашуви** – коррупциянинг энг кенг тарқалган ва бошқа турларни содир этилишида юзага келадиган шакли. Шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

12. **Рақамли коррупция** – онлайн ёки рақамли платформалар ва воситалардан шахсий манфаатларини кўзлаб ноқонуний фойдаланиш ёки уларни яратиш, масалан, таълим соҳасида имтихон ва синов олиш жараёнларида ёки мавжуд бўлмаган олий таълим муассасасига оид маълумотларни тақдим этишдаги фирибгарлик ҳисобланади.

б) божхона органларида кенг тарқалган коррупция турлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан коррупцияга оид жиноятлар таснифи белгилаб берилиши натижасида содир этилган хатти-ҳаракатларнинг коррупциявий ёки бунга алоқадор эмаслигини таснифлаш бир мунча соддалашди.

Шунга кўра, биргина 2023 йилда республика бўйича судлар томонидан жами 6 535 нафар шахс (2022 йилда 7 414 нафар шахс) коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилди. Ушбу шахслар томонидан давлат манфаатларига жами 1,4 трлн (2022 йилда 2,04 трлн) сўм миқдорида зарар етказилган.

Шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 12 нафари (27) республика, 319 нафари (270) вилоят, 5024 нафари (5755) туман-шаҳар миқёсидаги давлат ташкилотларида фаолият кўрсатган ходимлар бўлган. Ушбу шахслардан 566 нафари муқаддам айнан коррупциявий жиноят учун судланган бўлсада, яна мансабдорлик лавозимларига хизмат қабул қилиниб, коррупциявий жиноятни қайта содир қилган[6].

Айнан миллий маъруза маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати идоралари томонидан 2023 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда 1 290 та пора олиш вақтида жиноят устида қўлга олиш бўйича фаол тадбир ўтказилганлиги, ушбу тадбирларнинг 95 таси божхона қонунчилигини бузиш соҳаларига тўғри келишини кўришимиз мумкин.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, божхона органлари фаолияти соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан доимий коррупция жиноятларни содир этилиши учун имконият мавжуд бўлган тизимлигича қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, божхона органларида юзага келадиган коррупция содир этилиш механизмлари ва мотиви билан коррупциянинг бошқа турларидан фарқ қилади. Шу сабабли, халқаро тадқиқотчилар томонидан “божхона органларидаги коррупция” тушунчасини амалиётга киритиш ва уни ўрганишнинг алоҳида методикаларини ишлаб чиқилишини илгари суришади.

Хусусан, Жахон божхона ташкилоти мутахассислари божхона органларидаги коррупция тушунчаси остида божхона органлари мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатларини шахсий манфаатларини кўзлаб суиистеъмол қилишлари деб ҳисоблашади [5].

Иқтисодий хавфсизликнинг асосий ҳимоячиларидан бири бўлган божхона органларида коррупцияга қарши кескин кураш 2022 йил 17 февралдан бошланган бўлиб, тизимда коррупцияни олдини олиш, тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг узлуксиз модели нафақат тезкор-қидирув ва таҳлил усуллари орқали балки сунъий интеллектга асосланган дастурий таъминотлар билан ҳам амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, божхона органларида учрайдиган коррупциянинг турларига аҳамият берсак. Таҳлиллар натижасида божхона органлари тўғридан-тўғри пора олиш йўли билан содир этиладиган порахўрликдан ташқари божхона ходимлари мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; мансабга совуққонлик билан қараш; ҳокимият ҳаракатсизлиги ва кронизм, фаворитизм, непотизм, уруғ-аймоқчилик каби унинг турлари учраши аниқланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра:

[6] Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза | Anticorruption.uz

- мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш 205-модда билан таъқиб қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

- мансабга совуққонлик билан қараш 207-модда билан таъқиб қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

- ҳокимият ҳаракатсизлиги 208-модда билан таъқиб қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш мумкин.

Божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2013-2023 йиллар давомида Жиноят кодексининг 205-моддаси билан 2 та ҳолатда 2 нафар, 206-моддаси билан 4 та холатда 6 нафар ва 207-моддаси билан 3 та холатда 8 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилган.

Эътиборлиси шундаки, божхона органларида кенг тарқалган кронизм, фаворитизм, непотизм, уруғ-аймоқчилик каби коррупциянинг турлари учун Жиноят кодексида тўғридан-тўғри санкциялар йўқ бўлсада, улар Жиноят кодексининг 205-209-моддаларида кўрсатилган ҳатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи манбалар ҳисобланади.

Хусусан, божхона постида хизмат олиб бораётган ходим ўз таниш-билишларига божхона чегараси орқали божсиз олиб ўтиш меъёрларидан ортиқча миқдордаги товарларни олиб ўтишлари учун имкон яратиб бериб, кронизмга йўл қўйса, бунинг учун моддий манфаатдор бўлмаган тақдирда ҳам кўп миқдордаги товар моддий бойликларини мамлакат ҳудудига бож тўловларини тўланмасдан олиб ўтилишига, бу орқали давлат бюджетига тушиши мумкин бўлган тўловларнинг таъминланмаслигига сабабчи бўлади. Айнан ушбу хатти-ҳаракат учун жавобгарлик муқаррар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, раҳбарнинг қўл остидаги ходимларга ўрнак бўлиш ўрнига, уларни коррупциявий жиноятларга тортиши ҳолатларини божхона постларида коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.

Бу каби салбий ҳолатлар нафақат божхона органларига бўлган фуқароларнинг ишончини камайишига олиб келади, балки хизмат қилаётган ёш ходимларнинг онгига салбий таъсир ўтказади.

Сўнгги йилларда божхона органларида коррупцияга қарши курашиш борасида кўплаб халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда янги методикалар жорий қилинди. Шулардан энг самарадорлиги юқориси коррупцияга қарши курашишда ёрдам берган ва бундай салбий иллатлардан ўзини тийган ходимларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилганлиги бўлди деб айтиш мумкин.

ХУЛОСА

Жиноятга қарши курашиш содир этилаётган хатти-ҳаракатнинг жиноят эканлигини жамият аъзорлари томонидан тўлиқ англаб етилгандагина самардорликка эришади. Коррупция ҳам мураккаб феномен сифатида қайси хатти-ҳаракатлар учун айнан ушбу жиноят сифатида баҳоланишини тушуниб етишни талаб этади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда амалга оширилаётган ислоҳотлар коррупция жиноятини содир этаётган ва ўз манфаатларини давлат манфаатларидан устун кўрадиган шахслар томонидан давлат мулкини талон-тарож этиш йўли билан самарасизликка учраши, аҳолида давлат органлари ва идораларига нисбатан ишончсизликнинг ортиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу каби холатларни юзага келмаслигида барча ваколатли органлар қаторида божхона органларида ҳам бирдек масъул.

Божхона органларини коррупциясиз соҳага айлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган ғоя асосида тизимни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмаланмаган ходимлардан тозалаш ҳамда адолат тамойили асосида хизмат олиб борилишини таъминлашга қаратилган кескин кураш натижадорлигини ошириш билан божхона органларининг давлат ва жамият олдидаги имижини ошириш мумкин бўлади.

Бунда асосий этиборни барча поғонадаги ходимларни коррупция ва унинг салбий оқибатлари, унинг турлари ва содир этилиш усуллари ҳақида доимий хабардор қилиб бориш муҳим профилактик чоралардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Pogribna, V. L. (2015). Social Bribery Crime or Objective Reality of Life? // Bulletin of NLU “Law Academy named Yaroslav the Wise”, 3(26), 148–155
2. Theobald R. Patrimonialism. World Politics.1982. V. 34. № 4. pp. 548–559.
3. Epifanova E. V. A Gift, a Tip or a Bribe? Medical Law, 2012 (5), - pp 28–36
4. James H. S. When is a Bribe a Bribe? Teaching a Workable Definition of Bribery. Teaching Business Ethics, 6(2), 199–217. doi: 10.1023/A:1015261222138
5. Ndonga D. Managing the risk of corruption in customs through single window systems // World customs journal, vol. 7, no. 2, pp. 23-38
6. Бикеев И.И. Проблемы отграничения взятки от подарка в России и за рубежом: практика и тенденции. Актуальные проблемы экономики и права, 2013/1(25), 245–249 С
7. Зигерт А. Трансмиграция высококвалифицированного персонала – вызов для кадрового менеджмента. Форсайт, 2008/4(8), pp 10–21
8. Didenko I. Nepotism, Favoritism and Cronyism as the Causes of a Conflict of Interest. 8 (2017), 103–106
9. Dorosh L. & Ivasechko O. Nepotism as Political and Legal Problem of Ukraine’s Statebuilding. Humanitarian Vision, 2015/1(1), pp 13–19
10. Aligica P., & Tarko V. Crony Capitalism: Rent Seeking, Institutions and Ideology. Kyklos, 2014/67(2), pp 156-176. doi: 10.1111/kykl.12048
11. Lomzhets Yu. Legal Regulation of Lobbying: The Experience of Poland. NUK, 2016(9), pp 43–46
12. Паньшин О.А. Протекционизм: элемент системы коррупционных практик или прогрессивное явление? Компетентность 3/114/2014
13. Римский В.Л. Бюрократия, клиентилизм и коррупция в России // Общественные науки и современность. 2004. №6
14. Исроилов Б.И, Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати [Матн] / Тошкент: “Tafakkur” нашриёти, 2019. – 168 б.